


## “Сомон йўли” галактикаси



11:10 / 01.06.2021 5413

Биз истиқомат қиладиган галактиканинг номи "Сомон йўли". Бу башарият томонидан кўп эътибор қаратилган галактика бўлиб, спирал галактика турига мансуб.

Кечқурун мусаффо осмонга қараганимизда узун ёруғ изни кўрамиз. Қадимгилар буни “сутли дарё” ёки само бўйлаб чўзилган сутли йўл деб аташган. Аслида бу галактиканинг ташқи билакларидан бири бўлиб, қуйидаги расмда акс этган.

Галактиканинг тузилишини тушунишимиз қийин, чунки қуёш тизимимиз галактиканинг билакларидан бирининг ташқи четида, зич моддали дискда жойлашган. Бразилиянинг Риу Гранди ду Сул штатидаги федерал университет мутахассисларидан Денилсо Камарго “Қуёшимизнинг чанг билан тўсилган галактикавий дискда жойлашгани галактиканинг

тузилишини кўришимизни янада қийин ва мураккаб қилади” деган.

Агар биз галактикага юқоридан қарай олганимизда ўртада бўртиқ, марказ атрофини бир неча билаклар ўраб турганини кўрардик. Спиралсимон галактика коинотдаги галактикаларнинг тахминан учдан икки қисмини ташкил этади.

Сомон йўли галактикаси марказ атрофида тинимсиз айланади. Галактиканинг билаклари, улар билан бирга қуёш тизимимиз марказ атрофини соатига тахминан 820 минг км тезликда айланади. Шундоқ катта тезликда айланишига қарамасдан қуёш тизимимиз галактика маркази атрофини 230 миллион йилда тўла бир марта айланиб чиқади.

Сомон йўли галактикаси умумий ўзаро тортишиш кучи билан боғланган ҳамда Қуёшни ҳам ўз ичига олган 200 млрд.дан ортиқ юлдузнинг улкан гравитацион системасидир.

Галактиканинг четларини диск, ўртасини марказ (ядро) дейилади.

Ёруғлик бир сонияда 300 минг километр масофани босиб ўтади. Шу ёруғликнинг бир йил давомида босиб ўтган масофасига "Бир ёруғлик йили масофаси" дейилади.

Галактикамиз четки дискининг қалинлиги 1000 ёруғлик йили, галактика марказидан Қуёшгача бўлган масофа 32000 ёруғлик йили, галактиканинг умумий узунлиги 100000 ёруғлик йилига тенг.

Ушбу расмда NGC 6744 галактикаси акс этган бўлиб, Сомон йўли галактикасига ўхшагани учун келтирилди.

галактика марказида улкан қора туйнук жойлашган, унинг массаси миллиардлаб қуёш массасига тенг. Ушбу қора туйнук бошида кичик бўлган, аммо улкан миқдордаги моддани ютиб юборгандан сўнг катталашган. Шунингдек, у яқинига келган юлдузларни ютиб юборади.

Галактиканинг массаси 400 миллиарддан 780 миллиардгача қуёш массасига тенглиги айтилмоқда.

НАСА Сомон йўлининг катта ҳудудларини, шунингдек, галактикамизга яқин бўлган митти галактика бўлмиш катта магеллан булутини ўрганадиган шарда учадиган телескоп миссиясини амалга оширишга қарор қилди. Миссия 2021 йилда Антарктидадаги Макмурдо базасидан бошланиши режалаштирилган ва телескоп иқлим шароитидан келиб чиқиб



**Islom.uz, Quran.ksu.edu.sa va бошқа интернет маълумотлари асосида  
Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**